

3. Амирова Г., Джураев Б. Болалар ижодий қобилиятини ривожлантиришнинг оптимал йўллари // “Uzluksiz ta’lim”. – Тошкент: 2015. № 5. 14-б.
4. Toirova M. Maktabgacha yoshdagi bolalarning ijodiy qobiliyatlarini shakllantirish texnologiyasi. // “Xalq ta’limi”. – Тошкент: 2019. №2. 85-б.
5. Qosimova K. va boshq. Ona tili o‘qitish metodikasi. –Т.: “Noshir”, 2009. 98-б.

РЕЗЮМЕ

Бошланғич таълимда дарс самарадорлигини оширишда ўқувчиларни мустақил ишлашга, ижодий фикрлашга ўргатиш, синфда ижодий вазият яратишда грамматик таъриф ва қоидалар учун танланган мисоллар ва дидактик материаллар муҳим ўрин тутиши, грамматик ўйинларни тайёрлаш мавзулари борасида айтилади.

РЕЗЮМЕ

Говорят, что подобранные примеры и дидактические материалы по грамматическому определению и правилам играют важную роль в повышении эффективности уроков в начальном образовании, обучении учеников самостоятельной работе, творческому мышлению, созданию творческой ситуации в классе, подготовке грамматики.

SUMMARY

They say that selected examples and didactic materials on grammatical definition and rules play an important role in increasing the effectiveness of lessons in primary education, teaching students to work independently, creative thinking, creating a creative situation in the classroom, and preparing grammar.

ЎРТА МАКТАБЛАРДА ЁЗДИРИЛАДИГАН ИНШОЛАР ВА УЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

М.Ҳазраткулов – доцент

Самарканд давлат университети

Таянч сузлар: таълимий иншо, кўркем тасвир, гўзаллик, тасаввур ва ҳаёлот, экспозиция, воқеа ривож, кульминация, адабий таълим.

Ключевые слова: учебное эссе, визуальный образ, красота, воображение и фантазия, экспозиция, сюжетная линия, кульминация, литературное образование.

Key words: educational essay, visual image, beauty, imagination and fantasy, exposition, storyline, culmination, literary education.

Таълимий иншолар она тили дарсларида, асосан, грамматик қоидаларни амалиётда қўллашга ўргатиш мақсад қилиб қўйилган ёзма ишлар ҳисобланади. “Тил ҳодисаларидан амалда фойдаланишга ўргатиш, ўзбек адабий тилининг бой имкониятларидан нутқда фойдаланиш каби зарур малакалар, асосан, таълимий иншолар орқали шакллантирилади”. Адабий таълимда эса “Адабиёт” дарсликларида ўрин олган бадиий асарларнинг мазмун-моҳияти асосида ташкил этиладиган иншолар ўқувчиларда эзгу ахлоқий-маънавий сифатларни шакллантиришга қаратилган бўлади.

Таълимнинг юқори босқичига ўтган ўқувчилар билан унинг дастлабки синфларида – бошланғич адабий таълимда амалга оширилган ишлардан унча узоклашмаган ҳолда фаолият юритилади. Яъни 5-, 6-синфлар “Адабиёт” дарсликларида ўрин олган бадиий асарлар мисолида адабий ва адабий-ижодий мавзуларда иншолар ташкил этиш самарали иш турларидан ҳисобланади.

Иншолар моҳиятан ижод ва яратишга мойил, тасаввури ва ҳаёлот даражаси юқори бўлган ҳамда маънавий баркамоллик сари юз бурган шахсни шакллантиришда, ўқувчиларни ижодга йўналтиришда муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчилар тасаввури ва ҳаёлот адабий таълимнинг бу босқичида назарий тушунчалар билан бойиб, ривожланиб боради. Унда бадиий матннинг бутунлиги, иншодаги барча унсурларнинг ажралмаслиги ҳамда мустақамлигини кўриш қобилияти шаклланади. Бу билан ўқувчи бадиий асар яратиш жараёнига бевосита аралашгандай бўлади.


Бу ишнинг қандай амалга оширилишини дарсликдан ўрин олган асарлар мисолида кўриш мумкин. Масалан, 5-синфда “Уч оға-ини ботирлар” эртаги ўрганилганидан сўнг “Агар подшо уч оға-ини ботирлардан сир олмоқни бир вазирга топширмаганида...” мавзусида оғзаки иншо дарси ўтказилиши мумкин. Қайд этиш лозимки, сюжет чизиги чизмасини тузиш топширигининг амалда қандай бажарилишига тажриба-синов ишлари жараёнида алоҳида эътибор қаратилди. Бироқ ўқувчиларда бу кўникма шакллантирилмаган бўлса, ўқитувчи бундай топшириқни беришдан олдин сюжетнинг ҳар бир унсури ҳақида назарий маълумот бериши керак бўлади: *экспозиция* – асар воқеалари бошланғичида қадар ўрин-жой ва табиат тасвири; *тузун* – асарда тасвирланган воқеалар ривожланишининг бошланғич нуктаси; *воқеа*

ривож – асарда воқеаларнинг кетма-кетликда ривожлана бориши; *кульминация* – асар воқеаларининг энг юқори, авж нуктаси; *ечим* – бадиий асар воқеалари ривожланишининг якуний нуктаси.

Сюжет унсурлари ҳақида тушунча берилгач, ўқувчилар “Уч оға-ини ботирлар” эртагининг сюжет чизиги чизмасини (2.3-жадвалга қаранг) қуйидаги шаклда тузишлари мумкин.

2.3-жадвал

“Уч оға-ини ботирлар” эртагининг сюжет чизиги



Бу иш тугаллангандан сўнг ўқитувчи ўқувчиларга сюжет чизигидаги ҳалқаларнинг бирида ўзгариш қилишни тавсия этади. Масалан, чол ўғилларини сафарга йўллашдан олдин уларга аввалги насиҳатларининг айнан тескарисини қилсин. Буни ҳам болаларнинг ўзларидан сўраш уларнинг иш фаолиятида катта самара беради. Мазкур топшириқ дарҳол ўқувчилар тасаввурини кўзгатади, ўқитувчи ушбу савол билан масалани аниқлаштиради: «Уч оға-ини ботирлар қандай йўл тутишарди?» 5-синф ўқувчилари турли жавоб вариантларини берадилар:

- ботирлар қаҳрамонлик кўрсата олишмасди;
- қилган ишлари билан мактаниб, мағрурликка йўл қўйишарди;
- подшони ўз ақллари билан лол қолдирилмасдилар ва ҳк.

Кейин ўқитувчи ўқувчиларга бу вариантлардан бирини танлаб олишларини таклиф қилади ва қуйидаги саволга жавоб ёзишларини сўрайди: “Энди сюжетнинг қолган қисмларида нима юз беради?”

5-синф ўқувчиларининг ишини енгиллаштириш мақсадида уларга қуйидаги саволлардан бирини намуна сифатида бериш мумкин: “Ботирларга ном қозонишларида ким (ёки нима) ёрдам берди? (Ўқувчилар ўзлари ўйлаб топган эртақ қаҳрамони ёки сеҳрли буюмни жавоб сифатида беришлари мумкин). Эртақдаги қайси воқеа унинг авж нуқтаси саналади? (Ботирларнинг зиёфатда айтган гаплари, Кенжа ботирнинг тошга айланиши). Ҳасадгўй вазир ботирларга яна қандай зарар етказиши мумкин? (Яна бирор ҳодиса юз бериши мумкинми?)”.

Тасаввур қилиш жараёни тугаганидан сўнг, ўқитувчи ўқувчилар диққатини ўзлари томонидан мустақил ўйлаб топилган эртақ вариантнинг асосий ғояси халқ эртагининг бош мавзусига қанчалар мос келишига қаради: ботирлар қиёфасидаги яхшилик арслон, аждаҳо, қирқ қарокчи ва ҳасадгўй вазир тимсолидаги ёвузликларни енгиллаштириш. Бироқ ўқувчилар ўзлари ёздиган иншо-эртақларининг деталларини ўйлаб топилари зарур. Ўқувчилар ўзлари ўйлаб топганларига асосланиб иншонинг режасини тузадилар, у ўқитувчи томонидан таҳрир қилинади ва режа асосида ижодий иншо-эртақ ёзилади.

5-синф адабиёт дарсларида Антуан де Сент-Экзюперининг “Кичкина Шахзода” эртаги ҳам ўрганилади. Эртақ таҳлилига бағишланган дарс “Эзгулик менинг тасаввуримда” мавзусидаги ижодий иншога тайёрланиш мақсадида ташкил этилади. Эртақ ўқитувчи томонидан ўқиб берилгандан сўнг иш унинг умумий ғоясини тушуниб олиш ва матндан ажратиб кўрсатиш усулларида бошланади. Англашиладики, эртақнинг асосий ғояси – эзгуликнинг ёвузлик ва ёмонликка қарши кураши. Ёзувчи китобхонни ҳар бир шахс ўзидаги ҳасад, очқўзлик, жоҳиллик каби камчиликларини кузатиши ва уларга мустақил равишда қарши курашиши мумкин деган хулосага олиб келади. Шунингдек, ўқитувчи асарда ёвузликнинг аниқ тимсоли борлигини аниқлаштириб беради, бу – илон.

Кейинги босқичда асар қаҳрамонлари тушиб қолган вазият ва инсоннинг қандай фазилатлари илонни фаш

етишга хизмат қилиши ҳақида суҳбат қурилади. Эртақнинг муайян эпизодлари танланади ва таҳлил қилинади:

1) Кичкина Шахзоданинг якка-ёлғиз қирол, шуҳрат-параст, пиёниста, қорчалон ёзувчи қол, қироғбон, илон, тулки, гул, бекат назоратчиси, савдогар билан ўзаро муносабати. Илон ёвузликка бориб, Кичкина Шахзодани чақиши;

2) рақамлар билан белгиланган астероидларнинг ас-лида одамларга хос бўлган фазилат ва нуқсонлар эканлиги. Кичкина Шахзоданинг пиёниста билан у яшайдиган сайёрада (шу иллатга муқабал бўлган инсонлар қалбида) кечган суҳбати.

Асосий эътибор ёзувчининг ўз қаҳрамонларига ёш бола нигоҳи билан фалсафий ҳамда юмористик ёндашуви, китобхонни мустақил мушоҳада юритишга қўлайдиган вазиятларга қаратилади. Ўқитувчи томонидан фалсафий мушоҳада ва юмор, яъни енгил қўлнинг ўз камчиликларини енгиллаштириш усули эканлигига алоҳида урғу берилди.

Дарснинг кейинги босқичи – ўқувчиларнинг ўзларидаги салбий деб билган сифатларнинг аниқланишидир. Ўқитувчи қуйидаги савол билан топшириқни аниқлаштирилади: “Ўзингизни кузатиш-чи, табиатингизда қандай “илончалар” яширинган экан?”

Ўқувчилар бу саволга “эътиборсизлик, қўполлик, парижонхотирлик, айёрлик...” ва б.қ.ларни санаб жавоб беришлари мумкин. Ўқитувчи уларнинг орасидан биттасини танлаб олади ва дарснинг кейинги босқичида эстетик вазиятни Де Сент-Экзюпери эртаги билан ўхшашлик бўйича моделлаштириш амалга оширилади.

Бу ерда ўхшашлик шунда намоён бўладики, ўқувчилар вазият намунасига эга бўлишиб, уларнинг иншоларида ҳам шу қаҳрамон – илон қатнашиши керак. Вазият юмористик характерда бўлиб, қуйидаги асосий ғоя ифодаланади: “Шахсий камчиликлар билан курашиш қандай бўлади?”

Ўқувчилар шу пайтгача ўз характеридagi салбий сифатлар ҳақида ҳеч ҳам ўйлаб кўрмаганлари аниқ, албатта. Бу кузатувлари уларни ҳаётларида юзага келган қўлғили, ҳаяжонли ёки ҳафа бўлган онларини эслатади. Агар ўқувчи бундай вазиятларни аниқлашга қийналса, унга ўқитувчи қўшимча саволлар билан ёрдамлашиши ўринли бўлади. Бундай иш натижасида жуда қизиқ иншо қўлади.

Адабиётлар

1. Husanboeva Q. Tahlil – adabiyotni anglash yo'li. –Toshkent: “Sharq”, 2013, 346-b.
2. Хусанбоева Қ. Адабиёт–маънавият ва мустақил фикр шакллантириш омиллари. –Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 2009. 368-б.
3. Qosimova K. Ona tili o'qitish metodikasi. –Toshkent: «Noshir», 2009. 232-b.
4. Turdiev B. Yozma nutqni rivojlantirish yuzasidan praktikum. –Toshkent: «O'qituvchi» 1980, 124-b.
5. Madaev O. Insho qanday yoziladi. –Toshkent: 1991 120-b.

РЕЗЮМЕ

Умумтаълим мактабларининг юқори босқичида ўқувчиларга адабиётни ўқитишнинг асосий мақсади бадиий сўз, кўркем тасвир ва гўзаллик кўмагида қилинган инсонга хос бўлган маънавий-ахлоқий сифатларини юзага чиқаришдан иборатдир. Ана шу фазилатларни қамол топтириш, ўқувчиларнинг дунёқарабини бойитиш, эстетик-ижодий қобилиятини юзага чиқаришнинг муҳим шартини иншо ёзириш ҳисобланади.

РЕЗЮМЕ

Основная цель обучения литературе учащихся старших классов общеобразовательных школ - раскрыть духовно-нравственные качества совершенного человека с помощью художественного выражения, стилистических единиц и образности красоте. Важным условием развития этих качеств является обогащение мировоззрения учащихся, развитие эстетических и творческих способностей для написания эссе.

SUMMARY

The main goal of teaching literature to senior students of secondary schools is to reveal the spiritual and moral qualities of a perfect person with the help of artistic expression, stylistic units and imagery of beauty. An important condition for the development of these qualities is the enrichment of the students' worldview, the development of aesthetic and creative abilities for writing essays.